

“ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ СУВ ТАЪМИНОТИ” МЧЖ

Жиззах шаҳар бўлими

Бюджет ташкилотлар билан ичимлик
суви етказиб беришва оқавасув
хизматлари курсатиш тугрисида

№ 37 сонли

ШАРТНОМА

Жиззах 2022 йил

Тариф (КҚС ва Махсус устама ҳақ билан)

Сув 1 м³ _____ сўм
Оқова 1 м³ 1785 сўмИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА СУВ ТАЪМИНОТИ ВА ОҚОВА СУВИНИ ЧИҚАРИШ
ХИЗМАТДАРИНИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА37 -СОҢЛИ ШАРТНОМА

«12» 01 2022 й.

Ушбу шартнома Сув таъминоти корхонаси, кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Низоом асосида фаолият юритувчи
Тилавов Нормамат шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилувчи
Низозах Валидов, директор, асосида иш олиб борувчи
директор Бегмухамедов Н.М., иккинчи томондан, қуйдагилар ҳақида тузилди:

I. Шартнома предмети

1.1. 20 _____ йил учун сув етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари (бундан буён матида II гуруҳ
истеъмолчилари деб юритилади) учун сув етказиш нарх буйича _____ м/ни:
1 м³ ичимлик сув учун _____ сўм (+КҚС 15%) + _____ сўм (махсус устама ҳақ)ни ташкил қилмоқда
1 м³ оқова сув учун 1500 сўм (+КҚС 15%) + _____ сўм (махсус устама ҳақ)
Шу тариха шартноманинг умумий қиймати 11999887,5 _____ сўмини ташкил қилди (сумма ёзув билан)
Шу жумладан, бюджет маблағларидан _____ сўм бюджетдан ташқари маблағларидан _____ сўм бюджетдан ташқари маблағлардан тўлашга тугтилган.

II гуруҳ истеъмолчилари Қондаларда белгиланган тарзда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган ҳисоббарак-фактураларга асосан,
Молия вазирлиги Газначилиги орқали сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. "Таъминотчи" «Истеъмолчини OзdSt 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартига
мувофиқ равишда барқарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилади, сув
қувурлари тариф қийматида (КҚС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтирилади.

1.3. «Истеъмолчи» ўрнатилган муддатлар ичида "Таъминотчи"га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни
ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш буйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг
қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган
"Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш хизматлари кўрсатиш Қондалари"га (кейинчалик матида – Қондалар деб юритилади),
ҳамда Жиззах вилоят ҳокимининг 2019 йил 20 апрелдаги № 170-сонли қарорига, мувофиқ тарифга, 1 м³ сув учун 50 сўм, 1 м³ оқова сув
ҳизмати учун 50 сўм махсус устама ҳақ жорий этилган ҳамда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган коммунал сув етказиб бериш ва
оқова сув чиқариш тизимига уланиш учун рўхсат этувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасарруфидаги барча объектларнинг (филиал ва суб-истеъмолчиларнинг) дислокациясини,
уларнинг сувда эҳтиёжи ва сув тизимига уланишдаги эҳтиёжини, етказиб беришининг миқдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, қаласт
нўхсасини тақдим қилади, "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова хўжалигидаги, банк малумотлари ва юридик манзилдаги ўзгаришлар
ҳақида хабардор қилади.

II. Умумий қоидалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сугориш, ховлилар, йўлакчаларига ўрнатилган вақтдан ташқари сув сеппи, ҳамда, ичимлик сувидан
автомашиналарни ювиш учун фойдаланиш қатъиян ман этилади.

2.2. Сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маиший
эҳтиёжлари, ёнгирилари ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этилаётган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган.

"Таъминотчи"нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, итисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал
сув таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истеъмолчининг тарморқларидан сув олиб, оқова сувларини "Истеъмолчининг" канализацион тармокларига ўтувчи суб-
истеъмолчилар сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш шартномасини "Истеъмолчи" билан тасдиқланган "Қондаларга" мувофиқ тузади.

2.4. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертифицилаштириш агентлиги томонидан
текширилган ва тағминланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан тағминлашни лозим. Шунингдек
ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасини ечиш, қийёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 20 августдаги № 698-сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. "Истеъмолчи"га ўрнатилгани лозим бўлган сув ўлчаш қурилмасининг шартли ўтказкичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида
аниқлашди, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолга текширилади ва "Истеъмолчи" билан қилинади. Ҳисоблаш
қурилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» сув ўлчаш тармоғини
кайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичлари қабул
қилинмайди ва ҳисоблаш Қондаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш қурилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш қурилмаларини
алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларнинг уланиши Истеъмолчи томонидан фақат "Таъминотчи" тарафидан тасдиқланган техник шартлар
ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар "Истеъмолчининг" сўровомаси асосида, асосан тасдиқловчи ҳужжатлари илова қилган
ҳолда берилади. "Таъминотчи"дан олинган техник шартлар асосида, "Истеъмолчи" бюроратига асосан, амалдаги меъёр, қоидалар ва бошқа
меъёрий ҳужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан уланиш лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Қурилган улаамаларнинг ишга туширилиши "Таъминотчи" томонидан, "Истеъмолчи" ва қурилш ташкилот вакилларининг иштирокида
амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга
оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш қисмларнинг техник ҳолати учун эксплуатацион масъулият чегараси (сув ва оқова
тизмлари, қурилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжалиқлари ва истеъмолчилар орасида, ҳусусий уй-жой мулкдорлари
шirkатлари орасида қуйдагилардан иборат:

а) сув истеъмоли учун узатиш қоронининг қиритиш қурилмаси бўлиб, у коммунал тармокдан ўчирилади. Сув қувурини, шу жумладан
узатиш қурилмасини ишга тушириш истеъмолчининг ички сув узатиш тизимининг бир қисмидир;

б) оқова тизими учун магистрал оқова тизимига уланиш нуктасидаги сув чиқариш кудуги бўлиб, у “Истеъмолчи”нинг ички оқова тизимининг бир қисмидир. Агар чиқариш оқова кудуги магистрал оқова тармоғида жойлашган бўлса, кўрсатилган кудук сув-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси эса “Истеъмолчи”нинг кучи ва маблаг ҳисобида амалга оширилади.

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

а) “Таъминотчи”дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва оқова суви чиқариш хизматларининг узлуksиз амалга оширилишини, ўз ҳаёти ва соғлиғига, мулкига ҳавф туғдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;

б) “Истеъмолчи” ҳисобидан ҳисоблаш қурилмасини ўратиш.

в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун “Таъминотчи”дан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пена)лар тўлашни талаб қилиш;

г) “Таъминотчи”ни шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан қамийда 15 кун олдин оголантирилган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова суви чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлик амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

д) ичимлик сув таъминоти ва оқова суви чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вақили орқали) бепул олиш;

е) “Таъминотчи”дан ичимлик сув таъминоти ва оқова суви чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариш ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;

ё) ичимлик сув таъминоти ва оқова суви чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;

ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан таъминотчи билан амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик суви билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражада олиб келинган вақт) учун қайта ҳисоб-киتاب амалга оширилишини талаб қилиш.

3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

а) шартнома шартларини бажариш;

б) ўзининг ҳудудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва оқова тармоқлари ва қурилмаларининг мувофиқ равишда қўриқлинишини, уларга сув топиши ёки шикастланишига, музлаб қолишига йўл қўймастик, кудук қопқоқларини қор ва муздан тозалаш, “Таъминотчи” томонидан ўриятилган тамгаларнинг бутлигини назорат қилиш, кудуклардан юза оқоваси мавжудлигини таъминлаш, ёнгинага қарши гидрантларга ўтиш йўлларини бекитмаслик, кўрсатилган ёнгинага қарши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлаганини назорат қилиш;

в) “Истеъмолчи” ҳудудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устида гириш қурилмасини, шу жумладан, ташқи (қўча ва квартал ичидидаги) сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан ишоотлар қурилишига йўл қўймастик.

г) коммунал сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг транзит нукталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳақида зудлик билан “Таъминотчи”ни хабардор қилиш;

д) суви ҳисобга олиш приборларида яққол кўриниб турган носозликлар, шунингдек тамгани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ҳамда ҳисобга олинмаган ёнгинага қарши гидрантлар мавжудлиги ҳақида дарҳол ёзма равишда ёки алоқа тармоқлари (факс, электрон почта) орқали “Таъминотчи”га хабар бериш;

е) “Таъминотчи” билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, **ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларини ўз вақтида** ва аниқ ечиб олиш ва ушбу кўрсаткичларини “Таъминотчи”га жорий ойнинг охириг қундан кейингидан ҳолда маълумотларни тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;

ё) шартномада белгиланган миқдордан ортиқ ҳажмда сувининг ортиқ сарф қилинишига ва оқова сувларининг меъдордан ортиқ чиқарилишига йўл қўймастик;

ж) “Таъминотчи”ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилдаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш;

и) “Таъминотчи”га тегишли бўлган ёки унинг ҳудудида жойлашган сув ва оқова тармоқлари, қурима ва мосламаларнинг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;

й) ишлаб чиқариш оқова сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиш концентрациясини меъёردаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;

к) оқова тармоғига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;

л) “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган сув ўлчаш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва оқова тизимларида ҳар қандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни қўймастик;

м) жамоат суви ва канализация тизимларини объектларига шикаст зарар етказган “Истеъмолчи” дарҳол “Таъминотчи”га хабар бериши ва етказилган зарарни қоплаш учун “Таъминотчи” техник назорати остида ўзи етказилган шикастланишни бартараф этиш ва беҳуда сарф қилинган сув нархини тўлаши шарт.

3.3. Таъминотчининг ҳуқуқлари:

а) “Таъминотчи” қуйидаги ҳолатларда, истеъмолчини 5 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув узатишни тўқили ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга;

б) “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларининг техник ҳолати қониқарсиз ҳолатда бўлса ва “Истеъмолчи” техник фойдаланиш қондаларини бузиш натижаларини “Таъминотчи” вакиллари талабига кўра бартараф этмасаса;

в) “Таъминотчи”нинг вақили истеъмолчи ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги бўлган сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларида ишлар олиб бориш, тамга ўриатишга ва бошқа ишларда “Истеъмолчи” томонидан асоссиз ҳалақат берилган тақдирда;

г) “Таъминотчи” томонидан режали олдини олиш таъмирлаш ишларини, сув ўтказиш ва оқова тармоқларида ишлар бажарилишида, “Истеъмолчи” уларга уланган бўлса, ва янги “Истеъмолчи”ларни улаш учун ишларни ўтказишда;

д) “Истеъмолчи”нинг хизмат кўрсатилишига ва унинг тасарруфидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истеъмолчиларнинг уланиб олганлиги аниқланганда;

е) “Истеъмолчи” ўриятилган муддатларда тўлов ҳужжатларига мувофиқ тўловни амалга оширмаганда;

ё) “Таъминотчи”нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг “Истеъмолчи” тасарруфида бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига уланишига рад жавобини берганда;

ж) “Истеъмолчи”лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;

з) энергия таъминоти тўхтатилганда;

и) табиий офатларда;

й) аварияларда;

к) ёнгина чиққан ерларга сув етказиш ҳажмини ошириш зарурияти тутилганда.

3.4. “Таъминотчи”нинг мажбуриятлари:

а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;

б) сув етказилишини узлуksиз таъминлаш;

в) тизимли равишда давлат сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истеъмол объектлари ва қурилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларининг ҳолатини ва ишини тизимли назорат қилишни амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда “Истеъмолчи”лар сувидан оқилона фойдаланиш ва сувдан оқилона фойдаланишни аниқлаш, суви

этакзи бериш ва истеъмол қилишни катъий назорат қилиш ва ҳисобга олиш, саноатта мувофиқлигини мунтазам равишда назорат қилиш ва уларга тенглаштирилган сув истеъмоли қилиш ҳисоблари ривож қилишни назорат қилиш;

г) "Истеъмолчи"ларга индивидуал ҳисоблаш қурилмаларини ўз ҳисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

д) "Истеъмолчи"лар сув қувур ҳўжалигининг текширишни (индивидуал ҳисоблаш қурилмасининг яхши ишлаётганлигини текшириш, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва тамгаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниқлаган ҳолда) бир ойда кўпи билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;

е) "Истеъмолчи"га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларида, жарима яъни пеня тўловларини амалга ошириш;

ж) сув таъминоти ва истеъмолга оид меъерий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳақида "Истеъмолчи"ларни хабардор қилиш;

з) сув эتكзиши ва сув чиқариш учун хизмат ҳақи тўловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;

и) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани "Истеъмолчи"га бепул бериш.

VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. "Таъминотчи" ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятлари бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларида келиб чиққан зарарини, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўзини қоплаши шарт.

4.2. Истеъмолчи қуйидагилар учун жавобгардир:

а) сув ҳисоблаш қурилмасидаги тамгалар, айланмиш чизиги жўмраги, гидрантлар ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги қисмларнинг унинг ҳудудида ва тасарруфида бўлган тамгаларнинг ҳисоблаш қурилмаларининг бутунлиги ва сақланиши учун;

б) сув тармоқларига ўз бошимча уланиб олиш, совуқ сувни ҳисобга олиш қурилмаларининг қасддан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш қурилмаларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолда ўзгартириш ҳолатлари учун;

в) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

г) ўзбошимчилик билан қурилган иншоотлар сабабидан, тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизми мавжуд бўлса "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларини тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қондабузарлик аниқланганда "Таъминотчи" ҳодими ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома "Истеъмолчи"нинг масъулият ва жавобгарлик қорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

4.3 "Таъминотчи" қуйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувнинг сифати ва қонунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) "Истеъмолчи"ларга сув таъминотига уланishi ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) "Истеъмолчи"нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, қоплаш;

г) шартнома шартлари ва юқлатилган мажбуриятлари бажармаслик;

д) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш қурилмаси мавжуд бўлганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувининг миқдори, сув тармоғидан етказиб бериладиган сув миқдорида тенг. Марказлашган ҳолда иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилувчи совуқ сув миқдорида 2.0 коэффициентни қўлланилади. "Истеъмолчи"нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг махсудлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш қурилмаларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими "Истеъмолчи"нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

5.3. Объект эгаси, автоном сув таъминоти(скважина, очик сув хавзаси, ирригация тизими)га ёки марказий коммунал оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларида, "Таъминотчи" билан шартнома тузиш учун махсус табиий сув объектларидан сув олиш ёки чиқариш учун қўшимча руҳсатнома тақдим этиши лозим.

5.4. Сув таъминотининг хусусий автоном манбан (артезиан скважинаси, қудуқ, очик сув хавзаси, ирригация тизими ва ҳ.к.) мавжуд бўлганда коммунал канализация тизимига оқоваларни оқизиш учун тўловлар, ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳисоблаш асбобининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. Истеъмолчи қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбаннинг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда, "Истеъмолчи" бутун дебиторлик қарздорлигини сўнгдириши ва "Таъминотчи" билан чиқиб кетишдан камидан 7 кун олдин далолатномани тузиш ва имзолashi зарур, "Истеъмолчи" чиқиб кетганидан сўнг, тамгалар ва ҳисоблаш қурилмаларининг бутлиги объектнинг янги эгаси зиммасига юқлатилади.

6.2. "Истеъмолчи"нинг сув узатиш-оқова ҳўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан "Истеъмолчи"нинг хати келиб тушган кундан бошлаб ҳисобга олинади.

6.3. Етказиб беришдан ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: М – 0.60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициентини;

F – сууюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик қесими майдони (ички диаметр бўйича)²;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вақт- 24 соат, секундларда;

Қуйидаги ҳолатларда:

6.3.1. "Истеъмолчи"да сув ўлчаш асбоби ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки насос ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси "Таъминотчи"да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчилик билан фойдаланиб, сув сепилганда,автоматшаралар ювиладиган;

6.3.4. Сув ўлчаш асбоби, мосламаси шидан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарflanган сув ҳажми ушбу шартнома б қисмининг

6.3 бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган)кунгача ҳисобланади;

Суви ҳисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисиз насоз бўлган тақдирда сарflanган сув миқдори олдинги уч ҳисоб-китоб ойдаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп қўлланилиши мумкин эмас. Агар суви ҳисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарflanган сув миқдори II-гурух истеъмолчилари учун Қоидалнинг 87-“б”-банди бўйича ҳисоб-китоб қилинади;

6.3.5. "Истеъмолчи"нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув иероф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. "Таъминотчи"нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алиштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7 Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган химия қоплимига руҳсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув соф сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда,

6.4. Ичимлик суви ва оқова сув коммунал тизимлари (жумладан ёнгиндан сақланиш гидрантлари ва хонадон қувурлари) ўзбошимчалик билан улашиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, "Таъминотчи" томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан улашиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва "Таъминотчи" га етказилган зарари ҳисоблаш учун асос бўлиб ҳизмат қилади. Бунда:

-тўлов муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан улашиб олинган кун санасигача ёки янгисув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан улашиб олиш тузилган кунга қадар ҳисобга олинади;

-ўзбошимчалик билан улашиб олинган саналдан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар "Таъминотчи" балансидаги тармоқларга улашиб содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарар. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

6.5 Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойҳалаштириш ва куришни бошлаш учун) лойиҳа муддатини чўзиришни ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, "Таъминотчи" томонидан сув узатиш хизматларини аяқлашга асос бўлади.

6.6. "Истеъмолчи" коммунал сув таъминоти ва оқова сувини чиқариб юбориш тармоқларига улашиб санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда "Таъминотчи" томонидан, ҳоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ва шу қабуллар асосида, ҳужжат билан тасдиқланган улашиб санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қалбул қилинган оқова сув учун тўловлар, "Таъминотчи" томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истеъмолчи" томонидан 3 кунлик муддат ичида акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи" кечиктирилган тўловнинг ҳар бир кунини учун 0.4% пеня ёзади ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.8. "Истеъмолчи" ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг кирим кассаси орқали, ҳисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичида тўланади.

6.9. "Таъминотчи" тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловнинг 100% миқдорда олинган тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой ҳисобига ўйинилади. Агар "Истеъмолчи" икки ҳафта муддат ичида тўловни амалга оширмаса, "Таъминотчи" ҳеч қандай огоҳлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ёки оқова сувларини чиқариб юборишни ундирмагунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда ёнгиндан сақланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ "Истеъмолчи" зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва сув чиқариш тизимида илгари узиб қўйилган ҳолларда қайта улашда II гуруҳ истеъмолчилардан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баробари миқдорда тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

Канализация тизимига руҳсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилатган ишлаб чиқариш оқова сувларини "Истеъмолчи" лар томонидан ташлаш тартиби **Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунинда қабул қилинган 11 сонли қарори** билан тасдиқланган "Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари" ҳамда ифлослантйривчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун "Истеъмолчи" ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффициент миқдор тартибда ҳисобланади.

6.10. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу қаби ҳолатлар) тўғрисида "Истеъмолчи" га ёзилмаган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда "Таъминотчи" га тақдим этилиши керак. Эътирознома "Истеъмолчи" ни тўлов ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа энгил бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилида, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музқур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этилади.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгил бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақта мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўқсаник қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сақланади.

9.2 Шартнома газначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киривди ва **2022** йилининг **31** декабригача амал қилади.

X. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

Таъминотчи

"Жиззах сув таъминоти" МЧЖ
Жиззах шаҳар бўлими
Почта манзили: Жиззах шаҳар
III Рашидов 115-уй
Тел: (72) 226-07-47, (72) 226-06-27
Х/р: 2263 8000 1003 0458 3331
Банк номи: Ипотека банки
Жиззах вилоят филиали
МФО: 00122
СТИР: 200345016
ХХТУТ 90213

Раҳбар _____
Хукуқшунос _____

Истеъмолчи

Почта манзили: _____

Тел: _____
Х/р: _____
Банк номи: _____
МФО: _____
СТИР: _____
ХХТУТ: _____

Раҳбар _____
Хукуқшунос _____